

04-4-146
17.07.2021 й



“ТАСДИҚЛАЙМАН”

Сирдарё вилояти ҳокимининг
қурилиш бўйича ўринбосари

А. Хожиматов

2021 йил

Гулистон шаҳрида “Тадбиркорлар ва хунармандлар маркази биноси” қурилиши
объектида қурилиш ишларини амалга ошириш учун танлов ҳужжатларини очиш ва
танлов ғолибини аниқлаш тўғрисида комиссия мажлисининг

_____ - сонли Б А Ё Н Н О М А С И

17 июл 2021 йил

Гулистон ш.

Сирдарё вилоят ҳокимининг 2021 йил 17 февралдаги 48- сонли қарорига асосан доимий
фаолият кўрсатувчи танлов комиссияси таркиби қўйидагича тасдиқланган.

Комиссия раиси.

1. А.Хожиматов - Сирдарё вилоят ҳокими ўринбосари .

Комиссия аъзолари

2. С.Каланов - Сирдарё вилоят иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш бош бошқармаси бошлиғи.
3. Ж.Ғойибов - Сирдарё вилоят Давлат солиқ бошқармаси бошлиғи.
4. З.Мамагкаримов - Монополияга қарши курашиш қўмитасининг Сирдарё вилоят ҳудудий бошқармаси бошлиғи.
5. А.Эргашев - Сирдарё вилоят қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекцияси бошлиғи.

Танлов комиссияси котиби

- Ш.Абдуллаев - Сирдарё вилояти ҳокимлигининг қурилиш бўйича Ягона буюртмачи хизмати инжиниринг компанияси директори

Кун тартибидаги масала:

Гулистон шаҳрида “Тадбиркорлар ва хунармандлар маркази биноси” қурилиши объекти бўйича бош пудратчини танлаш ва объект қийматини аниқлаш тўғрисида

1. Йигилишни танлов хайъати раиси А.Хожиматов очиб Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 15 июлдаги 401-Ғ-сонли фармойиши билан Гулистон шаҳар “Тадбиркорлар ва хунармандлар маркази” биносини қуришда бош пудратчи ташкилотини, истисно тариқасида, энг яхши таклифлар асосида тўғридан тўғри шартнома тузган ҳолда жалб қилишга рұхсат берилганлигини билдирди.

Гулистон шаҳар “Тадбиркорлар ва хунармандлар маркази” биносини қуриш объектига 2021 йил 17 июлда Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳузуридаги “Лойихалар ва импорт контрактларни комплекс экспертиза қилиш маркази” ДУК томонидан объект бошланғич нархи ҚҚС билан 34 329 719 363 сўмга 14/01-6-1/6364-сонли ижобий экспертиза хулосаси олинганлигини ва қурилиш муддати лойиҳа ташкилоти “Nanoproekt va Texnologiya” МЧЖ томонидан 375 кун ҳисобланганлигини маълум қилди.

Ушбу объект қурилишига таклиф этилган пудратчи ташкилотларнинг таклифлари куйидагича:

"**Bek qurilish avto**" МЧЖ нинг таклиф қилинган объект қиймати ҚҚС билан 34 320 000 000 сўм ишларни тугаллаш муддати – 360 кун;

"**Anvarbek**" МСНЖ нинг таклиф қилинган объект қиймати ҚҚС билан 34 325 500 000 сўм ишларни тугаллаш муддати – 365 кун;

"**Yangiyer trans fayz servis**" МСНЖ нинг таклиф қилинган объект қиймати ҚҚС билан 34 329 000 000 сўм ишларни тугаллаш муддати – 360 кун;

2. Шартнома бажаришнинг энг яхши таклиф этган қатнашувчи "**Bek qurilish avto**" МЧЖ нинг таклифи билан танишиб чикиб, ўзаро фикирлар билан алмашилиб, харид (танлов) комиссияси.

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:

1. "**Bek qurilish avto**" МЧЖ нинг таклиф қилган қиймати ҚҚС билан 34 320 000 000 сўм ишларни тугаллаш муддати – 360 кун белгиланган бўлиб тўғри деб топилсин ва танлов ғолиби деб эълон қилинсин.

2. Сирдарё вилояти қурилиш бўйича Ягона буюртмачи хизмати инжиниринг компаниясига танлов ғолиби билан шартнома (контракт) тузиш ва кейинги танлов ечимини хал қилиш учун музокара олиб боришни тавсия этилсин.


Харид комиссияси аъзолари:

Комиссия аъзолари:

 С.Каланов

Ж.Ғойибов

 В.Маматкаримов

 А.Эргашев

Комиссия котиби:



Ш.Абдуллаев